

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида 2026 йил январь-март ойларида коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан
УМУМИЙ ҲИСОБОТ

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш бўлимининг иш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш, Президент администрацияси, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг топшириқ ва йўриқномалари ҳамда вазирликнинг буйруқлари, шунингдек **2026** йил учун тасдиқланган иш режаси асосида ташкил қилган.

Амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат:

Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Вазирликнинг “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2026 йил 23 февралдаги **20-сонли буйруғи** қабул қилиниб, ижрога қаратилган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида кўрсатилаётган давлат хизматларини рақамлаштириш, инсон омилини чеклаш ва бюрократик тўсиқларсиз амалга ошириш борасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаси доирасида амалга оширилиши режалаштирилган **2026-2027-йилларга мўлжалланган Йўл харитаси** лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига келишиш учун юборилган (07-06/3745-сон, 26.03.2026 йил).

ISO 37001 халқаро стандарти талаблари асосида вазирлик марказий аппаратида 2025 йил декабр ойида тегишли баҳолаш ишлари амалга оширилган ва **халқаро сертификат** олинган. Ушбу жараён доирасида миллий сертификатлаштириш бўйича ҳам ўзаро шартномада назарда тутилган бўлиб, белгиланган талаблар асосида «ИНТЕРНАЦИОНАЛ МЕНЕДЖМЕНТ» МЧЖ томонидан вазирликка **2026 йил 18 март** куни **миллий сертификат** расмий равишда тақдим этилди. Бу эса фаолиятимизда шаффофлик, ҳалоллик ва коррупцияга қарши самарали бошқарув тизими йўлга қўйилганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Таълим ва коммуникация йўналишида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21-июндаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари

тўғрисида” ПҚ-228-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2026 йилнинг 1-чорагида вазирлик бўйича жами **616** нафар ходимлар виртуал академиянинг махсус ўқув курсларида ўқитилган. Шундан вазирлик марказий аппаратининг **96** нафар ходимлари, ҳудудий ва тизим ташкилотларининг жами **520** нафар ходимлари ўқитилиб, сертификатга эга бўлишган.

Маълумот учун: Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари бошқармаларида барча ходимлар виртуал академияда ўқитилиши таъминланган.

Мониторинг ва назорат тадбирлари:

Ҳисобот даврида Вазирликнинг марказий аппарати Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан **14 та**, ҳудудий ва тизим ташкилотлари томонидан жами **79 та мониторинг ва ўрганишлар** ўтказилган. Ўрганиш натижалари бўйича **2 та (Навоий иссиқлик таъминоти МЧЖ, Фарғона иссиқлик таъминоти МЧЖ)** ҳолатда аниқланган зарар миқдори жами **8.160 млн. сўм**ни ташкил этиб, материаллар **ҲМҚОга юборилган**. Шунингдек, **11 та** ўрганиш асосида хизмат текширувлари тайинланган, **11** нафар ходимларга нисбатан **интизомий жазо** чораси қўлланилган, **2 та** ҳолат бўйича хизмат текширувлари тайинланган ва натижаси бўйича материаллар **ХМҚОга юборилган**, **2 та** ҳолатда туман хокимликларига **тақдимномалар** киритилган, **1** нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган, **2** нафар ходим **маъмурий** жавобгарликка тортилган..

Хизмат текширувлари:

Вазирлик тизимида жами **45 та** хизмат текширувлари ўтказилган. Улардан **29** таси **ҲМҚО** ва назорат органларининг хатлари асосида, **16** таси ички назорат бўлинмаларининг ташаббусига кўра ўтказилган.

*Шулардан, марказий аппаратда **4 та**, Тошкент шаҳар бошқармасида **5 та**, Бухорода **2 та**, Жиззахда **13 та**, Навоийда **2 та**, Самарқандда **5 та**, Хоразмда **4 та**, Тошкент вилоятида **4 та**, Экспертиза марказида **3 та**, Ахборот-коммуникация технологиялари марказида **1 та**дан хизмат текширувлари ўтказилган.*

Хизмат текширувлари натижасида **17** нафар ходимларга нисбатан **интизомий жазо** чораси қўлланилган, **1** нафар ходимига нисбатан **маъмурий иш** қўзғатилган.

Тарғибот-ташвиқот тадбирлари:

Ҳисобот даврида вазирлик марказий аппаратида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ўринбосарлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирокида, коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги ишлар, соҳада амалга оширилаётган рақамлаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан учрашув ҳамда

Йиғилиш ўтказилди. Учрашув натижалари юзасидан вазирга **таклифлар** киритилди.

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича жами **74** марта **тарғибот-ташвиқот ва профилактик тадбирлар, семинарлар** ўтказилган.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш бўйича аҳоли ва ходимларга Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги **вазирининг мурожаати** эълон қилинган.

*Шундан, марказий аппаратда **9 марта**, Қорақалпоғистон Республикасида **4**, Андижон вилоятида **3**, Бухорода **2**, Жиззахда **7**, Навоийда **5**, Наманганда **5**, Сурхондарёда **3**, Сирдарёда **1**, Самарқандда **6**, Қашқадарёда **2**, Фарғонада **4**, Хоразмда **1**, Тошкент шаҳрида **4**, Тошкент вилоятида **12**, Экспертиза марказида **2**, Қишлоққурилишлойиха ДМда **3**, Ўзшаҳарсозлик ЛИТИда **1 мартадан тарғибот тадбирлари** ўтказилган.*

Мурожаатларни ўрганиш:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишида жами **38** та мурожаатлар келиб тушган. Шундан марказий аппаратга **35** та, Фарғонада **1** та, Тошкент вилоятида **2** та мурожаат келган.

*Шундан, ходимларнинг фаолияти бўйича тушган шикоятлар **20 та**, ноқонуний қурилишлар ва рухсатномалар бўйича **8 та**, кўп қаватли уйлардаги ХУЖМШ ва БСКлар фаолияти бўйича **5 та** ва бошқа масалалар бўйича **5 та** мурожаатлар келиб тушган.*

***2 та** мурожаатлар (ХУЖМШ ва БСКлар фаолияти бўйича) асосида **1 та** хизмат текшируви ўтказилган ва ноқонуний қурилишлар бўйича **1 та** хизмат текшируви (Самарқанд) ўтказилган, аниқланган камчиликлар юзасидан раҳбариятга **ахборот киритилган**. Қолган мурожаатлар тегишли тартибда ўрганиб чиқилган.*

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш

Вазирлик марказий аппаратда мавжуд бўлинмалар фаолияти бўйича барча функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарларга мойиллик даражаси баҳоланиб, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш юзасидан чора тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда. Марказий аппаратдаги мавжуд **106** та функциялар баҳоланиб, уларнинг **1 таси** юқори, **10 таси ўрта** ва **95 таси паст** деб баҳоланди.

Вазирликнинг ҳудудий ва тизим ташкилотлари томонидан коррупциявий **хавф-хатарлар хариталари** ишлаб чиқилган.

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш

Вазирлик марказий аппарати ходимлари томонидан 2026 йил январ ойида мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги **декларациялар белгиланган шаклларда тўлдирилган**. Ушбу декларациялар таҳлил қилинганда, **3** нафар ходимларнинг (2025 йилда аниқланиб, огоҳлантирилган) тадбиркорлик фаолияти **stat.uz** сайтида тугатилмаганлиги

маълум бўлди. Лекин ушбу ходимлар тегишли тартибда тадбиркорлик фаолиятини тугатиш (*бартараф этиш*) бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилган. Бугунги кунда улардан **2** нафарининг **тадбиркорлик фаолияти тугатилди**.

*Вазирликнинг ҳудудий ва тизим ташкилотларида ходимлар томонидан тўлдирилган декларациялар таҳлил қилинганда, ҚҚРда **2 та** ҳолат аниқланиб, **1 таси** бартараф этилган, Бухорода **2 та** (олди олинган), Жиззахда **1 та**, Сирдарёда **4 та** (2 таси олди олинган, **2 таси** бартараф этилган), Самарқандда **2 та**, Қашқадарёда **2 та** (бартараф этилган), Экспертиза марказида **4 та** (бартараф этилган), Техник меъёрлаш институтида **4 та**, ШаҳарсозликЛИТИда **6 та** (бартараф этилган) ҳолатда эҳтимолий **манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари** аниқланган.*

Раҳбариятга киритилган таклифлар

-Жорий йилнинг 7-январь куни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги биносида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарияти иштирокида, вазирликда коррупцияга қарши курашиш, соҳада амалга оширилаётган рақамлаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан учрашув ва йиғилиш ўтказилган.

Жорий йилнинг 10-январ куни мазкур йиғилишда депутатлар ҳамда иштирокчилар томонидан қўйилган масалалар юзасидан **вазирга таклиф** киритилган;

-Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 февралдаги **47-сон қарори** билан тасдиқланган “Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестри ҳамда рейтингини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандида бошқариш органини электрон реестрдан чиқариш тўғрисида қарор ваколатли давлат органи томонидан қабул қилиниши белгиланган бўлиб, амалиётда реестрдан чиқаришда қарор қабул қилиниши **йўлга қўйилмаган**.

Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида, “Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти” томонидан бошқариш органларини **электрон реестрдан чиқаришда** вазирликнинг тегишли **қарори** (*буйруғи*) қабул қилиш амалиётини йўлга қўйиш бўйича масъулларга тегишли кўрсатма бериш юзасидан **вазирга таклиф** киритилган.

-2026 йил 24-март куни вазирликнинг 25.09.2023 йилдаги 318-сонли буйруғи билан тасдиқланган (*Одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*) Низомни “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги **Қонунга мувофиқлаштириш** бўйича **вазирга таклиф** киритилган.

Хавф-хатарлар харитасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17-апрелдаги 214-сонли қарорига асосан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги Низомда белгиланган барча функциялар баҳоланиб, натижада ўзига хос коррупциявий хавф-хатарлар даражаси (**95 таси паст, 10 таси ўрта ва 1 та юқори**) аниқланди. Таҳлилларга кўра, лицензиялаш, архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш, шунингдек ичимлик ва оқава сув тизимларини эксплуатация қилиш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ функцияларда инсон омили мавжудлиги сабабли коррупциявий хавфлар юзага келиши эҳтимоли юқори эканлиги аниқланди. Шу муносабат билан мазкур жараёнларни рақамлаштириш ва инсон омилини максимал даражада минималлаштириш бўйича **раҳбариятга таклиф киритилган. Жумладан,**

- Юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарсозлик фаолияти соҳасида хизматлар кўрсатишда бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган зарур чоралар кўриш; Лойиҳа смета ҳужжатларини келишиш ва қурилишга рухсат бериш; Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан;

- Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шаҳарсозлик ва қурилиш пудрат ташкилотларининг айрим фаолият турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар бериш; Юридик шахсларни шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш юзасидан аккредитациядан ўтказиш;

- Кўп квартирали уй-жой фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бу борадаги ишларни амалга оширишга доир манзилли рўйхатларни тасдиқлаш; Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари реестрини шакллантириш ва юритиш;

- Аҳоли пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқава сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан таъминлаш учун давлат ижтимоий буюртмаларини бериш, шунингдек, ичимлик суви таъминоти ташкилотлари учун сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби, уларнинг йўл қўйиладиган нормаларини (*лимитларини*) белгилаш;

- Республика ҳудудида иссиқлик таъминоти объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, модернизация ва реконструкция қилишда ягона сиёсат юритиш; Иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича буюртмачи функцияларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник-иқтисодий асослар ва бошқа лойиҳаларга оид ҳисоб-китобларни халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари

кредитларини жалб этган ҳолда, ўз вақтида ишлаб чиқилиши бўйича чоралар кўриш.